

IX-XII АСРЛАРДА ТЕРМИЗДА АДАБИЁТ

Неъматова Раҳима Шамсиддиновна
Абдурасулов Шохрух Исматуллоевич

Муаллифлар: Термиз давлат педагогика институти талабалари:

Аннотатсия: Термиз шаҳри ўзининг бой маданий мероси ва адабий анъаналар билан танилган. 9-12 асрларда Термизда бир неча буюк адиблар ва олимлар фаолият кўрсатган, уларнинг ёзган асарлари ўз даврининг илмий ва адабий ҳаётида муҳим ўрин тутган. Бу даврда адабиёт ва илми ривожлантиришга хизмат қилган адиблар ўз асарларида инсон, жамият ва ахлоқ билан боғлиқ муҳим масалаларни ёритишган. Ушбу мақолада Термизлик баъзи буюк адиблар ҳақида маълумот берилади.

Калит сузлар: Кухна Термиз, Наср, проза, Мунжик Термизий, Абул-Хасан Али ал-Лаххом ал-Ҳарроний, Катрон ибн Мансур Термизий.

КИРИШ

9-12 асрларда Термизда адабиёт муҳим маданий ва ижтимоий соҳалардан бири сифатида ривожланди. Бу даврда Термиз, марказий Осиёдаги бошқа шаҳарлар каби, илмий, маданий ва адабий ҳаётнинг маркази бўлиб, кўплаб машҳур олимлар ва шоирлар ушбу юртда фаолият юритганлар. Шу даврда араблар ва форслар тилида ёзилган адабий асарлар тўплами пайдо бўлиб, улар турли мавзуларни қамраб олган: фалсафа, илмиёт, шеърият ва тарих. Термизда адабиётнинг ривожини билан бирга, унинг миллий ва мусулмон дунёсига таъсири ҳам катта бўлди. Бу даврдаги адабий ижоднинг муҳим ва мураккаб жиҳатларини ўрганиш, ўз вақтидаги маданий аҳамиятни тушунишга ёрдам беради. Шеърият ва наср (проза) жанрлари ушбу даврда энг оммавий ва муҳим адабий шакллардан бўлди. Термизда ишлаган адиблар, илм ва ижод билан шуғулланишар экан, улар инсон табиати, ахлоқ, муҳаббат ва фазилатлар каби мавзуларни қамраб олган асарлар яратганлар. Адабиётнинг ривожини давомиди, Термиздаги маданий алоқалар ўзгараётган жамиятда янги адабий шакллар ва турларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Бу даврнинг адабий мероси халқаро тадқиқотчилар томонидан ҳозирги кунга қадар изланиб, унинг ижтимоий ва маданий аҳамияти ўрганилмоқда.

Асосий қисм

Кўхна Термиз замини бугунги Сурхон воҳаси худудида қадимдан халқ оғзаки ижоди ва ёзма адабиёт, китобат санъати ривожланиб келган. Кирқдан ортик аллома, муҳаддис, му тасаввиф, шоир ва адиб Термизийлар, ўндан ортик Чагоний тахаллуси билан қилган алломаларнинг илмий-адабий мероси бунини тўлиқ исботлайди. Сурхон воҳасида X-XII асрларда яшаб ўтган Мунжик Термизий, Адиб Собир Термизий каби мумтоз шоирларнинг адабий меросида

бизгача етиб келгани тарихнинг бу юрига уз илтифотидир. Абдурраҳмон Жомий «Бахористон» Адиб Собир Термизийни тавсифлаб: «Ширинсухан шоир, доно олим бўлган. Унинг шеърларида латофат ва мазоҳат камолга етган. Фозил шоирлар унинг санъатига койил колганлар. Ма-салан, Анварий ўз камолотини санаб ўтган бир китъаси охи рида Собирни ўздан юкори қўйган», дейди. Шунингдек, Термиз шаҳри Дакикий, Фаррухий каби шоирларнинг ҳам кадамгохларидир. Сохибкирон Амир Темур раҳнамолигида Чингизхон мустамлакаси бартараф этилганидан кейинги даврларда, XVI-XIX асрларда яна кўхна Термиз ва Чағониён худудида бир неча аллома-шоирлар яшаб ижод килди. Улар Умар ат-Термизий ас-Суфий, Мавлоно Қудсий Термизий Махжуб, Хожа Сама дар Термизий, Абдуллох Термизий, Такий Термизий, Суфи Аллоҳёр, Масеҳо Бойсуний, Саййид Насимхон Каланлариол Мавлавий лавий Жунуний каби зотлардир.

Ҳақиқатга тўлиқ ва чуқур ёндашган ҳар бир шоир ва адиб ўз ижоди билан одамлар орасида ҳақиқий бахт ва саодат йўлини кўрсатишга интилади. Улар борадиган йўл нафақат замонга, балки ҳар қандай сохта ғоя ва тушунчаларга қарши бўлиб, уларнинг асарлари абадий ва ўзгармас ҳақиқатларнинг ифодасидир. Ҳар бир изланиш, ҳар бир ёзган сўз инсонларнинг ички дунёсига, уларнинг маънавий ўсишини таъминлайди ва шу орқали ёзувчилар замондан мустақил тарзда ўзлари ўрнатган йўлни кўрсатадилар. Уларнинг ижоди эса доимийликка, тўлиқликка ва абадийликка эга бўлиб, инсон эътиборидан узоқлашмас.

Улуғ Термизийлар склеиласида ўз мавқенга эга бўлган мумтоз шоирлардан бири хижрий-камарий IV асрнинг иккинчи ярми (милодий X кинчи ярми аср охирларида яшаб ижод этган Абул-Ҳасан Али ибн Мухаммад Мунжик Термизийдир.

Мазкур тахаллус билан танилган бу зот Термизда дунёга келди, бошланғич диний таълим, араб ва форс-тожик адабиёти ҳақидаги илк маълумотларни ҳам Хуросон на Мовароуннаҳр минтақасининг ўша даврдаги йирик маданий марказларидан бири саналган Термиз шаҳрида олди. У камолга етган давр Сомонийлар давлати таназулга учрай бошлаган, Чарониён (хо-зирги Сурхондарё вилоятининг шарқий қисми) ҳокимлари Ўз худудларини кичик бир давлат сифатида омонатгина сақлаб турган даврга тўғри келади.

Адабиётдаги Хуросон услуби «Сабки хуросоний» деб аталган. Аслида, неба» сўзи олии ва кумуш қуйиш маъносидадир. Кўринишича, назм санти мажозан олтин-кумуш қуйиш, нъни заргарлик санъатига к қилинган. Мунжик Термизий пафакат «Сабки хуросоний» Хуросов услубида ижод килган ва баракали мерос кондирган истеъдоддаи бир шоир, балки мусика илмининг буюк билимдо ни сифатида ҳам шухрат козонган эди. У бундан ташкари уз шеърларига мусикалар ҳам басталаган.

Шоир тахаллуси хакида турли нуктаи назарлар мавжуд Жумладан, «Таърихи эҳё ул-мулуко китобида «Мунжики Тер мизнинг шаркий кисмида жойлашган кунловнинг номи эка даги ва «Мунжик» ушбу кишлок номидан олингани еслатиб ўтилади.

«Чароги Хадоять тазкираси муаллифи Ризокурихон Х лоят ҳам «Таърихи же ув-мулукода берилган мазлумотин такрорлайди. Шох Хусайн Сейистоний эса ўзининг «Хайр ул-бийёшо номли тазкирасида Мунанкии Сейистон вилоятидаги жойлардан бирининг номи ва шу асосда Мунжик Термизий хуросонлик сейистонлик деб атайди. Аммо упибу маълу матта эътибор берилса, муаллиф Муҳайк Термизийин авт хуросонлик, сўнг сейвстонлик деб атаганини кузатиш мумкин. Булардан ташкари учинчи тахмин ҳам бор «мун» дугаарла васалари» маъносида келган, «ик» эса унга қўшилган қўшимчадир. Шоирнинг ўзи ҳам бир жойда шунга ицера килади.

Харчанд хакирам, суланам олею ширин,
Оре, асали ширин н-ояд нагар аз Мурож
Мазмуни:

Хакир бечора бўлсам-да, сўзим олий ва шириндир Ҳа, ширин асал Мунждан бошка каердан ҳам келарди.

Абул-Хасан Али ал-Лаххом ал-Ҳарроний (X аср) - Бу зот бир канча вақт Термизда яшаган ва араб тилида ижод қилган машҳур шоирлардан биридир. Термиз шаҳри бариди (алоқа бошлиғи) бўлиб хизмат қилган. Машҳур тазкиранавис Абу Мансур ас-Саолибийнинг «Йа-тимат ад-дахр» китобида: «(Амир) Ал-Ҳамид даврида Бухоро-га келиб қолади ва у ерда то Ас-Саъид ҳукмронлигининг охи ригача қолиб кетади» дейилган.

Француз арабшунос олими Баръбеде Менар Ал-Лахкомни «Сомонийлар даврида Мовароуннаҳрдан чиққан Ювенал» деб номлаган. Ас-Саслибийнинг таърифида, шоир машҳур вазир Абу Али Ал-Баламайни ва бошқа амалдорларни ҳажв қилиб, танқидларига тинимсиз давом этгани учун унинг ҳақидаги шикоятлар кўпайган. Шу сабабли, амир унга қаршилиқ кўрсатишга қарор бериб, унинг сўзларидан тозалаш мақсадида фармон берган. Ал-Лахком Бухородан кетишга мажбур бўлган.

Кейинчалик, оғир касалликка чалиниб, бошини кўтаришга қодир бўлмай, уни таъқиб қилувчилар мақсадларига етиша олмаган ҳолда, 974 йил атрофида вафот этган. Ас-Саслибий унинг фаолияти ва вафоти ҳақида турли хил фикрлар билдирган.

Худди шу каби Кухна Термизнинг машҳур шоирларидан бири, Катрон ибн Мансур Термизий (XII аср) - Давлатшоҳ Самаркандийнинг машҳур «Тамират ушшу аро» («Шоирлар ёдномаси») асарида бу зот «Шоирларнинг устодлари жумласидандир. Асли Термиздан, ажин Балла турғун бўлган», деб зикр қилинади. Мазкур тазкирани форс-тожик тилида ўзбекчага ўгириб, «Шоирлар бўстони» деган ном билан нашр эттирган воқли олим Бўрибой. Аҳмедов Катрон

Термизий зикр қилинган бобда ка мазлумот илова қилган, илова Е. Бертельснинг «История перска ско-таджикской литературы» («Форс-тожик адабиёти тарихи») всарига ва мазкур тазкирага асосланган. Унда Катрок Термизий Салжуқийлардан Султон Санжар салтанти даврида (1118-1157). Ўтган етук шоир ва олим, деб ташланади. Шоир сохиби девон бўлиб, Ўз девонига шеърят турларидан мураббий, муловак, та кўш кофнияли таржибанд ва хасидалари за Давлатшоҳ, Самаркандий: «Унниг девони Ироку Ажамда машхурдир. Султон Султон Санжар заммошида Балх хокими Амир Ахмад Кумочга бағишлаб «Кавснома» китобини ёзган. Рацил Самаркандий, Лаввоҳий, Рудой, Шаак Симки, Адмоний, Писари Хумхона, шунингдек, Балх ҳамда Мовароуннахрнинг кўлчилик шоирлари Катронга шогирд тушгандир», дейди. Салжуқий Аҳмад ибн Абу Бакр ибн Кумоч XII аер р ўрталарида Термизда ҳукмронлик қилган шахсдир.

«Тазкират уш-шуарокда яна айтилади: «Катрон ҳаётининг сўнги йилларида Ирокка борди ва Ўша ерда умр кечирди. У пиърда моҳир эди ва бу илмда китоблар хам биттан. Рашидуд дни Ватвот айтганким: «Мен Ўз даврим шоирларидан факат Катрониигина опаман, бошкани (зса) илм юзасидан эмас, балки кўнгил учун шоир дейман. Катрон турфа шакллардаги мураббаъ, мухаммас, кўш кофияли шеърлар ва бошка шеърый шаклларда кўп калам таркатган.

Хулоса

IX-XII асрларда Термизда адабиёт илмий, диний ва ижодий соҳаларда тараққий этди. Бу даврда шеърят, фалсафа ва илмий асарлар яратилди, ва Термизда кўплаб муҳим адабий, фалсафий ва диний мутахассислар яшаган. Ушбу даврнинг адабиёти Марказий Осиёдаги умумий маданий ривожланишга таъсир кўрсатган. Термиз адабиёти мусулмон дунёсида ўз ўрнини топиб, ёшларнинг интеллектуал ривожланишида муҳим рол ўйнаган.

Фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати:

1. Буюк Термизийлар: Термиз тазкираси / Мусанниф Мирзо Кенжабек. Тошкент: «Ўзбекистон миллий энциклопедияси» Давлат илмий нашриёти, 2017. 342- 345-353-бетлар.
2. Сафаров Ш. «Термиз ва термизийлар.» –Термиз., «Жайхун», 1993 й
3. Мунжик Термизий. Девон. Ашъори пароканда. Рамазон Абдуллаевнинг "Мунжик Термизий ҳаёти ва ижоди" номли сузбоҳиси -Т., 2016. 3-11- бетлар
4. Абу Мансур ас-Саолибий. Йатимат ад-дахр.Т., 1976. 136-137-бетлар
5. Термиз-буюк йуллар чоррахасидаги кухна ва янги шаҳар. Альбом Тошкент «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош тахририяти. 2001. 3-4- бетлар.